

# ШАРТНОМА

Уйчи шаҳарчаси

№ 1

17 май 2022 й

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи «ЯТТ Шамшиддинов Насриддин» номидан иш кўрувчи Н.Шамшиддинов бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи Уйчи Туман Тиббиёт бирлашмаси номидан раҳбари З.Мамаджанова иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги Хизиробод ОШП га Мебел тайёрлаш етказиб бериш ва урнатиш "Харидор" эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Махслот номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси	Етказиб бериш муддати
1	Кийим шкафи	дона	5	950 000	4 750 000	
2	Каттик Изо Стули	дона	60	150 000	9 000 000	
3	Компьютер столи	дона	20	920 000	18 400 000	
4	Книжный шкаф	дона	8	850 000	6 800 000	
5	Кушетка	дона	8	500 000	4 000 000	
6	Ширма	дона	4	600 000	2 400 000	
7	Банкетка	дона	3	350 000	1 050 000	
8	картотека	туплам	1	11 860 000	11 860 000	
9	Кровать	дона	2	780 000	1 560 000	
	Жаъми				59 820 000	

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 59.820.000 (эллик тўққиз миллион саккиз юз йигирма минг) сўмни ташкил этади.

2.2. "Харидор" олинадиган маҳсулотлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 фоиз аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 10 кун муддатда маҳсулотларни "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган маҳсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Олинадиган маҳсулотлари "Харидор"га транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотлари етказиб берилишини талаб қилиш;

мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплашини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Харидордан талаб қилиш;

"Харидор"га маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.4. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларининг тегишли туркумлари етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида \_\_\_ кун олдин хабардор қилади.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Хом ашё маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган хом ашё маҳсулотлари қийматининг 0.5 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва хом ашё маҳсулотлари етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган хом ашё маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### VII. ФОРС-МАЖОР

7.1 Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер кимираш, сел келиш каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш маъсулиятини уз зиммаларига олмайдилар.

#### VIII. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдиқланиб туман Газначилик бўлими томонидан рўйхатга олингандан сўнг кучга киради ва 2022 йил « 31 » декабрга қадар амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

#### IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

#### X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

"ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ"

"ХАРИДОР"

«ЯТТ Шамшиддинов Насриддин»  
Манзил: Уйчи туман Навоий МФЙ  
х/р: 2021 8000 9007 9452 8001  
Банк номи: Микрокредитбанк Наманган бўлими  
МФО: 00260 ИНН: 580861308  
Тел: +998 (93) 551-16-16  
Рахбари: Шамшиддинов

Уйчи туман Тиббиёт бирлашмаси  
Уйчи шаҳарча А.Темур куча 34-уй  
ш/хв: 400322860142297072120054002  
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги  
Газначилиги  
Х/р: 23402000300100001010  
Марказий банк ХҚҚМ Тошкент шаҳри  
МФО: 00014 ИНН: 2011229190  
Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси  
Бошлиги: 3.Мамаджонова

**YURIDIK AXAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA  
HUQUQIY XULOSA**

№- OL78148745

**1. Loyihaning turi:** shrtнома

**2. Loyihaning nomi:** mebel jixozlari etkazib berish to'g'risida

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida malumot:**  
Uychi tuman madaniyat bo'limi tomonidan 2022 yil 17 may kuni ishlab chiqilgan va shu kuni mazkur dasturga kiritilgan.

**4. Loyiha amaldagi qonun xujjatlariga, qonunchilik texnikasi qoidalariga muvofiq ishlab chiqilgan.** Havola qilingan normalarning qo'llanilishi asosli va maqsadga muvofiq, shuningdek loyihada korruptsiyaga sabab bo'ladigan omillar mavjud emas. Shu sababdan ushbu loyihani qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xulosa:** 1-sonli mebel jixozlari etkazib berish shrtnomasi loyihasi amaldagi qonun xujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Asos:** O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 353,703,704,705,706 moddalari, O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurutuvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risidagi" 670-1 sonli Qonuni.

Markaz boshligi :



A.Dexkanov

2022 yil 17 may



Yakka tartibdagi tadbirkorni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida  
(Yakka tartibdagi tadbirkor)

**GUVOHNOMA**

SHAMSHITDINOV NASRIDDIN FAZLIDDINOVICH ga berildi, unga nisbatan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga yakka tartibdagi tadbirkor sifatida davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

(Yakka tartibdagi tadbirkorning to'liq ism, familiyasi va atasining ismi)

Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga yakka tartibdagi tadbirkor sifatida davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida yozuv kiritilganga nisbatan

03.07.2017

553133

raqamli yozuv bilan ro'yxatga kiritiladi.

(Bona uy (so'z bilan) sh)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

580861308

Pasport: Seriyasi: AA Raqami: 9578212 04.06.2015 y. sanada berilgan

УЙЧИНСКИЙ РОВД НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

(Pasport bergan organning to'liq nomi)

Uy manzili: Namangan viloyati, Uychi tumani, Uychi, NAVOIY MFY

Amalg oshiriladigan faoliyat tur(lar)i: Mualliflik ob'ektini tayyorlash

Faoliyatni amalga oshirish manzili: Namangan viloyati, Uychi tumani, Uychi, NAVOIY MFY

Guvohnoma Namangan viloyati, Uychi tumani, YAGONA DARCHA tomonidan berilgan  
MARKAZI


(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



Amal qilish sanasi:

Qabul qilinmagan

Amal qilish sanasi (Kun, oy, yil)



## МУХОКАМА АХБОРОТИ

Уйчи тумани

17 май 2022 йил

Уйчи туман тиббиёт бирлашмаси томонидан 2022 йил 13 май куни №-73049 сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси” даги қонуни 56-58- моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Уйчи га карашли Хизиробод ОШП ни мебел тайёрлатиш хизматлари учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонунинг 60-61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “ЯТТ Шамшиддинов Насриддин “ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида энг макбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси” даги қонунинг 62 - моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлав иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ҳолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин деб ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан куриб чиқилмайди.

Хайъат раиси ўринбосарлари ва аъзолар:

Комиссия раиси	3.Мамаджонова
ТТБ Молиявий ўринбосари	А.Юсупов.
Катта хамшира	3. Турсунова
Катта хамшира	3.Нишанбаева
Катта хамшира	Тухтамирзаева Н
Хужалик мудир	Низамов О



Handwritten signatures in blue ink, including one that appears to be 'Selly' and another that is more stylized.